

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 25 ой

53/41-сон

Кармана тумани

“Навоий худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади)нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Б.Х.Исломов**, бир тарафдан ва **Кармана туман тиббиёт бирлашмаси** (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари **Б.Я.Базаров**, иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия хақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: **6900**

актив 6900 кВт.с., реактив _____ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 тариф бўйича **3 105 000** (уч миллион бир юз беш минг) сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1-иловасида келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган хақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибида аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1-иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми **6900** кВт/соат ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПҚ-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта микдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсуви коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар қўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни ҳисбот ойнинг 1-санасидан кейинги ойнинг 1-санасигача.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда “Корхона”нинг ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ойнинг 25-санасидан 30-санасигача бўлган муддатда ўз қўли билан, факсмил., электрон ёки поча алоқаси орқали тақдим этилган ҳисбот, истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисбот асосида “Корхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тўлаш учун ҳисоб фактура ва тўлов ҳисоб варагини ёзиб беради. “Истеъмолчи”да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гурухи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, улар томонидан келгуси ҳисбот даври бошлангунча шартномавий миқдорнинг 100 фоизи миқдорида олдиндан хақ тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни “Истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш ойнинг 10-санасигача ҳисбот ойи ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик миқдор учун олдиндан хақ тўлаш асосида амалга оширилган тақдирда, электр энергия узатилади, акс ҳолда ҳар ойнинг 11-санасидан бошлаб истеъмолчилар тармоқдан ажратилади.

3.7. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича хақ тўлайди.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоқлари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб ёки умумий технологик сарф миқдоридан келиб чиқиб ҳар бир давр учун мутоносиб равишда ҳисоблаб,

жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варагини ёзиш учун мутаносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзib олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Корхона” томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, бу ҳақда “Истеъмолчи”нинг ҳисоб варагида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида “Корхона” вакили томонидан ёзib олингандан кейин “Корхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартиба қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. “Истеъмолчи” “Корхона” билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узиш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмагандан;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

“Корхона” талабномалари ижро этилмагандан, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва ҳисоблаш тизими уланиш занжирини текшириш учун рухсат этилмагандан;

ҳисоблагичлар қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноконуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб “Истеъмолчи”ни қонун хужжатларида белгиланган тартиба электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоқка унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш хақининг ўн баробари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНҲАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратиш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16 Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1фоизи миқдорида (Энергия маҳсус тартибида етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фоиз) лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари

4.1. “Истеъмолчи” қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ “Корхона” электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Корхона”га истеъмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсуниши бўйича юқори ташкилотга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. “Истеъмолчи” қўйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Корхона” ва “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг бузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда “Корхона”нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнода янгидан ишга тушириладиган электр қурилмалидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун “Корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб “Истеъмолчи”ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи”:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва “Корхона”нинг талабига кўра хабар қилиши шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуидаги ҳукуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда, “Истеъмолчи”ни электр қурилмаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

курилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмиглаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечикирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда “Истеъмолчи”га хабар қилиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. “Истеъмолчи” енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлганда, “Корхона” “Истеъмолчи” олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, фармон, қарор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун: Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Фазначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини ўзайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташабbusи билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

“Истеъмолчи”:

Юридик манзили корхона гулсан Гашкент ш. ўз

Почта манзили _____

Ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) 2000 35210

Истеъмолчини юридик манзили бўйича кадастр номери _____

Махалла номи _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган “Истеъмолчи”лар учун:

Бюджет фондининг ҳисоб рақами 100022860122347072120054006

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200035250

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Телефонлар:

532-44-86

Факс:

(“Истеъмолчи” телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД 91511

СООГУ 03873

СОАТО 1712237

КФС 226

КОПФ 2100

ОКПО 02021455

Корхона:

Почта манзили Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Низомий кўчаси 22 уй

Хисоб рақами 22636000300306363361

Банк коди (МФО) 00207 СТИР (ИНН) 200002553

Телефонлар: 79 532 31 71 Бошкарма--- 224-88-91

Факс: 79 532 25 18 Бошкарма---224-33-51

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ) 1013

МИОБТ (СОАТО) 1712401366

Истеъмолчи

Кармана ТТБ раҳбари

Б.Я.Базаров

М.У.



Хукуқшунос худосаси:

Хукуқшунома лойиҳасининг барча бандлари
шартнома тегишиши таъсири ва ўз.Р.
Хўжалик юритувчи субъектлар фаслиятининг
шартномавий-хукукий саласи тўғрисида"ги
Қонун мөтёрлаби имзо керади. (имзо) Д.И.Шодиев (Ф.И.О)
"Навоий ХЭТК АЖ
Хукуқшунос

Корхона

«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори
Б.Х.Исломов

ХЭТК бошлиғи. Р.Джураев

ХЭТК хисобчиси. У.Бозоров

М.У

ENERGOSOTISH

**Электр таъминоти
шартномасига
1-илова**

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият тuri _____
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
Техник шарт рақами № _____ санаси _____
4. Техник шартларга мувофиқ рухсат этилган қувват _____ кВт.
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (ложиҳа бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тuri:
*тариф тuri: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат
бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) (кераклиги ёзилсин)*
7. Истеъмолчи жойлашган махалла номи _____

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
Йил, жами	6900				
Январь	2300				
Февраль	2300				
Март	2300				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь	6900				

Корхона бир кунда _____ соат, бир ойида _____ кун ишлайди.
Сменалар бўйича юклама тақсимоти (фоиз ҳисобида) I ____, II ____, III _____.

**Имзолар:**

Корхона
«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори
Б.Х.Исломов _____
ХЭТК бўлғани. Р.Джураев _____
ХЭТК ҳисобчиси У.Бозоров _____
ХЭТК ЭЭОХ ва ТКБ муҳандиси _____

ENERGOSOTISH

**Электр таъминоти
шартномасига
2-илова**

Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

Истеъмолчи ларни (субистеъмо лчиларни) Хисоблагич- лари ўрнатилган жойлар, кучланиш синфи (кВ) ва ҳисобга олиш асбоби тури кўрсатилган холда	Ҳисобга олиш асбоби тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисобг а олиш асбоби рақами	Ҳисобга олиш асбоби клемма қопқоғидаги, пломбанинг номери	Ўлчов трансформат ор-ларининг трансформац ия коэффициент и	Ҳисо б- кито б коэф фици ети	Шартно ма тузиш санасиг а ҳисобга олиш асбоби кўрсатк ичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
1	Муродий 230						0520

Имзолар:**Истеъмолчи**Кармана ТТБ
раҳбари Б.Я.Базаров

M.Ў.



Корхона
«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори
Б.Х.Исломов

ЭТК баштиги, Р.Джураев
ЭТК хисобчиси, У.Бозоров
ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ муҳандиси



Электр таъминоти
шартномасига
З-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 йил ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « » 20 йил.

Уланманинг номи, ҳисоблагиchin инг завод номери, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Ҳисоблагиch кўрсатгиchl ари		Ҳисоблагиch курсаткичларининг фарқи	Сарфи курсаткичларининг фарқи	Табақалаштирилган тариб бўйича сарф кВт.с.			Тун	
	ток трансфор - маторини нг (ТТ)	кучла- ниш транс- форма- торини нг (КТ)	уму- мий	бошла нгич	охирг и			Сарф Вт.с., кВАр. с.	Эрта- лабки максимум	Кун	Кечки макси-мум	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

“Истемолчи” раҳбари

Ф.И.Ш. Б.Я.Базаров

“Корхона” вакили

Ф.И.Ш.

Бош энергетик



Ф. И. Ш.

Электр таъминоти
шартномасига
4-илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. “Истөмөлчи”нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____

2. “Истөмөлчи” ва “Корхона” ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича
mansublik чегараси:

_____ аниқланади.

3. Улардан қуйидагиларга:

а) Менгузлик чегарасидон кийини баро-электр
курилмаидон иштасиши учун шурмолот
нургатори хизмат кўрсатиш “Истөмөлчи” ходимлари томонидан,
б) Техник узмост чун марнона турмисига “Истөмөлчи” билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан
амалга оширилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик
чегараси қуйидагича белгиланди:

Менгузлик чегарасидон кийини баро-электр
курилмаидон иштасиши учун шавобгар



Истөмөлчи

Кармана ТТБ _____

рахбари Б.Я.Базаров

М.У.



Имзолар:

Корхона

ЭТК бошлиғи. Р.Джураев

ЭТК бош мухандиси. Ш.Назаров

ЭСД ва ШХКРХ Ж.Ширинов

М.У

Электр таъминоти
шартномасига
5-илова

Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ фоизини, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ фоизини ташкил этади;

б) «Истемолчи»нинг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади;

в) «Истемолчи»нинг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Вакиллар:

Истемолчи



Кармана ГТБ
рахбари Б.Я.Базаров



Корхона

ЭТК бошлиғи. Р.Джураев

ЭТК бош мухандиси. Ш.Назаров

ЭСД ва ШХКРХ Ж.Ширинов

М.У

**Электр таъминоти
шартномасига
6-илова**

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Дастаки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан		Шу жумладан тариф гурухлари бўйича	Кувват коэффициенти кўрсаткичи	
		Катта юкламал и соатларда 6-00дан 22-00 соатгача (кВАр.с)	Кичик юкламали соатларда 22-00дан 6-00 соатгача (кВАр.с)		Катта юклама ли соатлар да 6-00 дан 22- 00 соатгач а	Кичик юклама ли соатлар да 22-00 дан 6-00 соатгач а
Январь					=	=
Февраль						
Март						
Апрель						
Май						
Июнь						
Июль						
Август						
Сентябрь						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффицентининг оптимал миқдори ҳисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергиянинг ушбу шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффицентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун қуйидаги миқдорда аниқланади:

Актив энергиянинг хақиқий истеъмолидан қувват коэффицентининг шартномавий қиймати натижаси бўйича аниқланадиган реактив-энергия хақиқий иқтисодий қиймат доирасида истеъмол қилинганда 10%-актив энергиянинг хақиқий истеъмолидан ва қувват

оэффицентининг шартномавий қиймати натижаси бўйича аниқланадиган реактив энергия иқтисодий қиймат миқдоридаň ортиқ истеъмол қилинганда

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффицентининг норматив қиймати истеъмолчилар томнидан кўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, корхона томонидан белгиланган тартибда электр энергия йўқолиши қийматининг техник иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек қувват коэффиценти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилгани учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундириади.

Бунда, бу ҳисоблар ва қўшимча маблағларни ундириш “Истеъмолчи” томонидан қувват коэффицент кўрсаткичларини ҳисбот даврида шартномада кўрсатилган қийматдан пасайтирилгани тўғрисидаги “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг тасдиги мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатда реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларда ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат, солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи

Кармана ГТБ

раҳбари Б.Я.Базаров

М.У.



Корхона

«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов

ҲТК бошлиғи. Р.Джураев

ҲТК ЭЭОХ ва ТҚБ муҳандиси



**Электр таъминоти
шартномасига
7-илова**

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Тузилди _____

“Истеъмолчи”нинг вакили иштирокида _____

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда “Истеъмолчи” куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

T/р №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиш ва бошқа баҳтсиз ходисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узуб қуйилади.

T/р №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Юклама остида ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнгинга қарши насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар тааллукли эмас. (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан “Корхона” билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Истеъмолчи

Кармана ТТБ _____
раҳбари Б.Я.Базаров

М.У.



Корхона

«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов

ХЭТК бошлиғи. Р.Джураев

ХЭТК ЭОХ ва ТКБ муҳандиси

